



e-mail: xxi_asr@mail.uz



11-MART
2021-YIL
10 (904)

web sayt: www.21asr.uz
@XXIasrofficial

ASR IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

Абадият кўприклари



Эслайлик, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 2 апрелдаги “Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги тарихий қарори мамлакатимизда китоб мутолааси, ёшлар тарбияси давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида танланганини яна бир марта исботлаган эди.

Ёзувчи Назар Эшонқул таъ-

бири билан айтганда, “Туркий адабиётда дунё миқёсида Чингиз Айтматов даражасида тан олинган бошқа бир адибни тополмай- миз. Бошқа адибларнинг дунёвий кўламига заррача соя солмаган ҳолда, Айтматов асаричалик биронта туркий адабиёт вакилининг ижодий маҳсулоти ҳали дунёнинг 180 дан ортиқ тилларига ўгирилмаганини тан олиш керак”.

Дарҳақиқат, бугун Ўзбекис-

тон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг давлат таширфи бошланяпти. Икки кўшни қардош халқлар ўртасидаги дўстона муносабатларнинг мустаҳкамланишида, абадият тарихида ўчмас из қолдиришида улуғ адиб Чингиз Айтматовнинг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини унутмайлик.

Арзон, қулай ва тезкор!

Энди почтани кутиб ўтиришга ҳоҷат йўқ.
Нашримизнинг электрон версиясига обуна бўлинг.
бунинг учун телефонингизга

“Play Market” ёки
“App Store” дан “XXI asr”

илловасини юклаб олиб, пул ўтказиш
орқали осонгина обуна бўлишингиз мумкин.



УШБУ СОНДА:

ЧОРВАЧИЛИК ТАРМОҚЛАРИ УЧУН КАТТА ИМКОНИАТ



ЧИРОҚЧИДАГИ МУАММОЛАР

режага киритилади, деган ваз билан
ёпиқлигича қолмоқда



ҚЎЙИБ БЕРСАНГИЗ, КЎНГИЛ НЕЛАРНИ ТУСАМАЙДИ



МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРИ БУЙРУГИ имконияти чекланган болажонларни кўчада қолдиргани ростми?



САРАТОННИНГ ДУШМАНЛАРИ

тўғри овқатланиш орқали онкологик касалликлар
хавфини 70-80 фоиз камайтириш мумкин



Чорвачилик тармоқлари учун катта имконият



Актам ХАЙТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, О'зЛиДеР фракцияси раҳбари

Давлатимиз раҳбари жорий йил 3 март кuni имзолаган "Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорга мувофиқ, бир қатор янгиллик ва ўзгаришлар жорий этилмоқда.

Хусусан, шу йил 1 мартдан бошлаб Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг компенсация ва кафиллигидан фойдаланган чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва қўнчилик йўналишидаги кредити бўйича тўловларни ўз вақтида қайтарайтган тадбиркорлик субъектларига, кредит бўйича қарздорлиги тўлиқ қопланмагунча, янги кредитлар бўйича жамғарманинг кафиллигидан яна фойдаланишга рухсат берилди.

Чорва маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар лалми ва яйлов ер участкаларида томчилатиб ва ёмғирлатиб сугориш технологиясини жорий қилиб, озукабоб экинлар етиштириш учун мазкур ер участкаларида сугориш тик қудуқлари бурғулашга ҳар бир метр чуқурлиги учун 100 минг сўмдан субсидия берилди. Бунда субсидия харажатлари давлат бюджети ва халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат ташкилотлари ва бошқа донорларнинг кредитлари (қарзлари) ва грантлари ҳисобидан қопланади.

2021 йил 1 январдан бошлаб 2024 йил 1 январга қадар наслчилик субъектлари учун асосий фаолият тури бўйича фойда солиғи (тижорат банкларида жойлаштирилган маблағлардан олинган фойзалардан ташқари), мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 50 фоиз миқдорда қўлланилади.

Қарорнинг ушбу банди қоракўлчиликни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Кейинги йилларда сур, қора ва кўк терли, юқори элита синфли наслдор қоракўл қўйлар етиштиришга ихтисослаштирилган Илмий-наслчилик тажриба станциялари фаолияти алоҳида ўрин тутмоқда. Уларнинг, шунингдек, наслчилик хўжаликлари мақомига эга бошқа субъектларнинг ушбу имтиёزلардан келгуси уч йил мобайнида фойдаланиши натижасида ўз ҳисобларида қолган маблағлар асосий фаолиятни кенгайтиришлари учун хизмат қилади. Наслчилик базасининг мустаҳкамланиши эса қоракўлчилик кластерларининг рентабеллигини ошириш ва тармоқнинг тезкор ривожланишини таъминлайди.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, шу

йил 1 июлдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган чорвачилик хўжаликларига – ўз хўжаликларига етиштирилиб, гўшт учун реализация қилинган йирик ва майда шохли қорамоллар тирик вазнининг ҳар бир килограми учун 2 000 сўм ҳамда соғилган сўтнинг ҳар бир литри учун 200 сўм миқдорда республика бюджетидан субсидия ажратилади. Ушбу бандда назарда тутилган субсидиялар қўшилган қиймат солиғидан қарздорлиги мавжуд бўлмаган, шунингдек, контрагентларни танлашда лозим даражада эҳтиёткор бўлган корхоналарга ўз аризаларига асосан кейинги ойнинг 25-санасигача ажратилиши белгилаб қўйилган.

Муҳим масалалардан яна бири, давлат ветеринария хизмати тизимида чорва моллари, паррандалар ва балиқлар озукаси таркибини таҳлил қилиш ҳамда паррандалар касалликлари ташхисини қўйиш бўйича лабораториялар ташкил этилишидир. Бунинг учун шу йил 1 апрелга қадар Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан 3 миллиард сўм маблағ ажратилиши белгиланган.

Балиқчилик ва паррандачилик соҳаларини суғурталаш тизими бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Мисол учун, бўрон, довул, сел, сув тошқини, зилзила, касалликлар оқибатида нобуд бўлиш, мазкур жойга хос бўлмаган даражада ҳавонинг совуқ ёки иссиқ келиши, портлаш, балиқхўр қушлар томонидан зарар етказилиши ва учинчи шахс томонидан қасддан қилинган ҳаракат, ўғрилиқлар туфайли балиқчилик хўжаликлари зарар қўриши мумкин.

Ёки паррандачилик хўжаликларини турли касалликлар тарқалиши ва фавқулодда вазиятлар (электр энергияси ва табиий газдаги узилишлар) оқибатида нобуд бўлишдан сугурта орқали ҳимоялаш тизими мавжуд эмас. Шу сабабли Молия вазирлиги "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси ҳамда "Ўзбекчорванасл" агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда балиқчилик ва паррандачилик хўжаликларини юқоридаги ҳолатлардан ҳимоялашга қаратилган суғурталаш тартибини ишлаб чиқиш, Вазирлар Маҳкамасига киритиш вазифаси қўйилди.

Етиштирилган маҳсулотларни сотишга қўмақлашиш ишлаб чиқаришдан қисқа муддатларда дўконга чиқарилишини таъминлашда харажатни камайтириш ва маҳсулотлар сифати бузилишининг олдини олишда катта аҳамиятга эга. Шу мақсадда паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларига ўзи ишлаб чиқарган тухум, парранда гўшти ва балиқ маҳсулотларини сотиш учун деҳқон бозорлари ва аҳоли гавжум ҳудудлардан доимий савдо жойлари (нуқталари), ҳар бир деҳқон бозорида ҳамда шаҳар (туман)даги аҳоли гавжум жойларда камидан 2 тадан энгил конструкция асосида парранда ва балиқ маҳсулотлари сотишга мўлжалланган савдо дўконларини қуриш учун жой ажратилади. Бу ишларни ташкил этишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, "Паррандасаноат" ва "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмалари масъул этиб белгилади.

Арзон ва сифатли озук ва билан таъминлаш чорва маҳсулоти таннархини камайтиришда асосий омиллардан бири. Эндиликда "Ўзбекистон республика товар-хомуш бижраси" АЖ рапс (уруғи, шроти, кунжараси, ёғи), писта (уруғи, шроти, кунжараси, ёғи), соя (уруғи, шроти, кунжараси, ёғи), балиқ уни ва ёғи, арпа, макка, фосфат ва холин хлорид маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи хорижий компанияларни биржа савдоларига жалб қилиш чораларини кўради. Бу жараёнда маҳсулотларни биржа орқали миллий ёки хорижий валютада импорт қилишга рухсат берилгани ҳам айни муддао бўлди. Зеро, бу ишлар яхши ташкил этилса, озук нархлари мақбуллашди ва барқарорлашди.

Хулоса ўрнида айтганда, ушбу қарорда чорвачиликнинг барча тармоқлари муваффақиятли ишлаши учун зарур шарт-шароит яратиш бўйича муҳим вазифалар ўз ифодасини топган. Мазкур чора-тадбирлар ички истеъмол бозорини гўшт, сур, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, озук базасини кенгайтириш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Лидерлик ёхуд

Аввал хабар берилганидек, 2021 йил 1 мартдан бошлаб юртимизнинг 14 та ҳудудда сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари, маҳаллий кенгаш депутатлари учун ўқув курслари бўлиб ўтмоқда. Хўш, эрта-индин ниҳоясига етадиган мазкур мулоқотларда ижтимоий ҳаётнинг қайси йўналишларига аҳамият берилмоқда?

Уларда мамлакатимизда амалга оширилган ислохотларнинг мазмун-моҳияти, сайлов қонунчилиги, сиёсий партияларнинг дастурий мақсад ва вазифалари, ўзига хос хусусиятлари замонавий педагогик ва интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда тингловчиларга етказилаётгани ташкилотчиларнинг ютуғи сифатида баҳоланмоқда.

Аслини олганда ҳам сиёсий партия ва унинг маҳаллий кенгашдаги вакили, депутатлик гуруҳлари томонидан сайловди дастуридаги мақсадларни амалга оширишда қўлланиладиган технологияларни такомиллаштириш давр талаби экани ҳеч кимга сир эмас. Модомики, ҳудудлар ва соҳалардаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда сиёсий партияларнинг жамоатчилик назорати, депутатларнинг ўз ваколатлари доирасидаги саъй-ҳаракатлари муҳим ўрин тутди. Уларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш эса ислохотлар натижадорлиги ва таъсирчанлигини таъминлашнинг ажралмас қисмидир.

Депутатлар ва журналистларнинг биргаликдаги ўқувига ана шу жиҳатдан ёндашиш мақсадга мувофиқ. Бошқача айтганда, уларнинг тарғибот борасидаги фаолиятини айро тасаввур қилиш қийин. Айниқса, сайлов йиллида. Шунинг учун икки ҳафталик ўқишда, энг аввало, сиёсий партия вакилларида лидерлик кўникмаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, сиёсий маданият ва этика, вақтдан самарали фойдаланиш ва уни бошқариш технологиялари (time-management) бўйича амалий машғулотларга алоҳида урғу берилмоқда.

Фикрларимизни ҳудудлар кесимидаги аниқ мисоллар орқали давом эттиришга ҳаракат қиламиз.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Ҳар доим талабалар билан гавжум бўладиган аудиторияда бу гал бошқа тингловчилар жой эгаллашди. Қорақалпоқ давлат университети профессор-ўқитувчилари Г. Утемуратова ва Е. Қутубаеваларнинг маърузаларини эшитдилар. Бунда асосий эътибор давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасининг мазмун-моҳияти, Ўзбекистон Республикасининг ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга ошириш юзасидан давлат дастурида белгилаб берилган устувор вазифаларнинг аҳамиятига қаратилди.

Кўникмаларини ривожлантириш сиёсий маданият ва вақтдан самарали фойдаланиш технологиялари хусусида



– Сайловчилар билан учрашганимизда турли тармоқлардаги масалалар ўртага ташланади, – дейди **Халқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгашидаги O‘zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Аклима Сайпова.** – Муаммоларнинг аксарияти ижтимоий соҳага оид бўлиб, уларни бартараф этиш учун мавжуд муаммони ичига кириб ўрганиш, қонун доирасида кўриб чиқишда кўп вақт талаб этиладиганлари ҳам учрайди. Бу каби ўқувларда олган билимларимиз асосида сайловчилар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтиришга муносиб ҳисса қўшиш зиммамиздаги масъулиятдир.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Шараф Отемисовнинг таъкидлашича, аҳоли тадбиркорлигини йўлга қўйиш мақсадида ер ажратиш, кредит бериш, инфратузилмаларга уланиш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш ечиш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органларига таклифлар киритишнинг энг самарали усуллари ҳам ўқувларда жиддий кўриб чиқилапти. Шунингдек, қурилиш соҳасидаги қонунлар ижросини манзилли ўрганиш, бунда фракция ва маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳлари томонидан парламент ҳамда депутат назоратини ташкил этиш ҳам диққат марказида бўлиб турибди.

БУХОРО ВИЛОЯТИ

Ўқув курслари кун тартибидан ўрин олган муҳим мавзулардан бири “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” давлат дастурининг асосий йўналишлари” деб номланган. Шунинг ўзидан ҳам унинг нақадар долзарб эканини билиш мумкин. Зеро, дастурнинг асосий мақсади ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, иқтисодиётни ривожлантириш орқали халқ фаровонлигини оширишга қаратилгани билан аҳамиятли экани курс машғулоти чоғида алоҳида таъкидланди.

“Демократик ислохотларни чуқур-

лаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш масалалари”, “Сиёсий партияларнинг тарихи, турлари ва жамият ривожланишида тутган ўрни”, “Сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва улар фаолиятини молиялаштириш”, “Кўппартиявийлик тизими. Сиёсий партияларнинг дастурий мақсадлари ва уларнинг ўзаро фарқи”, “Сайлов компанияси стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш” сингари қатор мавзулардаги маърузалар иштирокчиларда илиқ таассурот қолдирди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Бош прокуратура академияси, Бухородаги нуфузли олий ўқув юртининг профессор-ўқитувчилари томонидан олиб борилган амалий машғулотларда “Сиёсий платформа. Электорат билан ишлаш ва уларнинг манфаатларини



ҳимоя қилиш механизмлари”, “Сиёсий партия имижини шакллантириш. Сиёсий партияларнинг ОАВ билан самарали мулоқотга киришиши кўникмалари ва PR технологиялар”, “Сайлов тизими ва принциплари”, “Сайлов кодексига киритилган ўзгартиш ҳамда

қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти”, “Халқаро сайлов стандартлари ва миллий қонунчилик”, “Сайлов жараёнини ОАВда ёритишнинг ўзига хос хусусиятлари” каби кўплаб мавзулар билан боғлиқ маълумотлар қамраб олинди.

Интерфаол усулда олиб борилаётган ўқув курсларидан кўзда тутилган яна бир мақсад – Президентимизнинг сиёсий партиялар вакиллари билан жорий йил 2 февралда ўтказилган учрашувида белгиланган устувор вазифалар ҳамда уларнинг амалдаги ижроси билан партия ходимлари, маҳаллий кенгаш депутатлари ва журналистларни яқиндан таништиришдан иборатдир.

– Жорий йилда мамлакатимизда ўтказиладиган муҳим сиёсий тадбир – Президент сайловида пухта тайёргарлик кўриш доирасида ташкил этилган ўқув курслари O‘zLiDePдан сайланган маҳаллий кенгаш депутатлари учун ҳам ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади, – деди **Бухоро вилоят Кенгаши депутати Б. Очиллов.** – Айниқса, халқ билан очик мулоқот қилишда, сайловчиларни мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсати билан таништиришда, қолаверса, учинчи Ренессанс пойдевори қўйилаётган ҳозирги даврда бундай тадбирларни ўтказиш ҳаёт тақозосига айлиниб бормоқда. Машғулотлар давомида олган назарий билим ва амалий кўникмаларни депутатлар кундалик фаолиятларида астойдил қўллашига аминман.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Сиёсий партиялар ва маҳаллий кенгаш депутатлари ҳамда ОАВ вакиллари учун Урганч давлат универ-

шакллантиришга қаратилганди.

– Маҳаллий бюджетлар барқарорлигини таъминлаш, хуфёна иқтисодиётнинг давлат ва жамият учун салбий оқибатларини тушунтириш мақсадида маҳаллий кенгашлар депутатлари иштирокида “Инсофли солиқ тўловчи” жамоатчилик мониторингини ташкил қилиш лозим, – дейди **Халқ депутатлари Урганч шаҳар кенгашидаги O‘zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Дониёр Жуманиёзов.** – Худудларда бизнес муҳитини мониторинг қилиб бориш тизимини такомиллаштириш, муаммоларга тезкор таъсир механизmlарини яратишга эришиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда вилоятларда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари вакиллари билан тадбиркорликка таъсир қилувчи ҳолатлар юзасидан “фокус-групп”лар ташкил қилиш масаласи ҳам четда қолмаслиги керак.

Мухтасар хулоса ўрнида қутилаётган натижага икки оғиз тўхталиш зарар қилмайди, назаримда.

Бу ўқишлар, **биринчидан**, сиёсий партияларнинг жойларда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги муаммоларни ҳал қилишда “маҳаллабай” ва “фуқаробай” шаклда олиб борилаётган ишларни ташкил қилишда ўз дастурий мақсадлари ҳамда электорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда самарали фаолият юритишига кўмаклашади.

Иккинчидан, республикаимизда “Маҳалла раиси – ислохотчи” тамойилининг жорий этилишида партия ва маҳаллий кенгаш депутатларининг ўрни, мазкур йўналишда ишни ташкил қилиш кўникмаларини оширишга ёрдамлашади.

Учинчидан, депутатлар ва партия фаоллари томонидан илғор тадбиркорларни жалб қилган ҳолда жойларда мотивацион тренинглар ҳамда мастер класслар ташкил қилиш орқали аҳолини, айниқса, ёшларни тадбиркорликка йўналтиришга қаратилган тизимли ишларни амалга оширишда асқотади. Бунда сиёсий партия электорати билан ишлаш бўйича хорижий давлатларда самарали фойдаланиб келинаётган услублар амалий машғулотлар шаклида тингловчиларга етказилгани долзарб ўрин тутди.

Тўртинчидан, тингловчиларда мулоқот маданияти ва самарадорлиги, креатив ва танқидий фикрлаш технологиялари, ивент-менежмент, тадбирларни ташкил этиш усуллари, сиёсий партияларда инсон ресурслари билан ишлаш (HRM) ва уларни ривожлантириш (HRD) каби соҳаларда интерфаол услубларда билимлар берилгани реал ҳаётда ўз натижасини узоқ куттирмайди.

O‘zLiDeP матбуот хизмати
материаллари асосида
Озод РАЖАБОВ тайёрлади.

ANASR

– Бугун кўпчилик “Депутатлар ишламаяпти, сайланиб олгунча кўринади, кейин эса денгизга тушган майда тошдек йўқолиб кетади”, деб иддао қилишга ўтиб олган. Депутат сайловчилар билан учрашди, уларнинг дардини тинглади ва мавжуд муаммолар хусусида мутасаддиларга сўров ҳам юборди. Аммо қониқарли жавоб ололма-са-чи? Шунда ҳам депутатни айбдор қилиш инсофданми?

Чироқчи туман кенгашида 11 депутатдан иборат гуруҳимиз фаолият олиб бормоқда. Утган йили мансабдор шахсларга 73 та сўровнома юборган бўлсак, шу йилнинг қарийб уч ойи мобайнида 18 та жўнатилди. Ноибларимиз халқнинг ишончли вакили сифатида сайловчиларнинг дарду ташвишлари, аҳолининг бандлиги, турмуш шароити билан яқиндан танишиб, камчиликларни бартараф этиш учун муаммоларнинг мақбул ечимларини топиш йўлида изланишмоқда. Афсуски, саломга яраша алик бўлмапти. Юбораётган сўровларимизнинг аксариятига жавоб ололмай сарсонмиз.

Хўш, бугунги кунда одамларни нималар қийнапти? Электр, газ, ичимлик суви таъминотининг ёмонлиги, трансформатор ва симёғочлар, ички йўлларнинг яроқсиз бўлиб қолгани, мактабларда синфхоналар етишмаслиги, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматнинг бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги... Таъкидлаш керакки, айрим сўровларимиздан сўнг аҳвол ижобий томонга ўзгарди. **Мисол учун, Чироқчи кўчасига сув етказиб берадиган артезиан қудуққа ўрнатилган насос ишдан чиққач, таъминотда узилиш бўлганди. Депутатлик сўровимиздан сўнг янги “ЭЦВ 8-32-50” насоси, 135 метр ВГПП кабелли ҳамда 40 метр 76 диаметри сув қувурлари ўрнатилиб, ичимлик суви таъминоти қайта тикланди. Уйшун қишлоғидаги 63-мактаб ёнидаги 300 тонна сиғимга эга иншоот ишлатилиб, аҳолини сув билан таъминлай бошлади.**

“Дам” маҳалла фуқаролар йиғини худудидан ўтувчи Қайирма канали йиллар давомида тозаланмагани боис баҳорда тошқинлар рўй бериб, хонадонларни сув босаётган эди. Аҳоли мурожаатидан сўнг сўровнома юбориб, ушбу канални бутунлай тозалатишга эришдик.

Чироқчи кўчасидан Янгибозор кўчаси орқали Чоштёпа кўчасига ўтадиган чорраҳада автомобилалар катта тезлик билан ҳаракатланаётгани оқибатида кейинги йилларда кўп мартаба кўнгилсиз йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлди. Депутатлик гуруҳимиз кўмаги билан тезликни чекловчи, асосий йўл ва иккинчи даражали йўлни билдирувчи махсус белгилар ўрнатилди.

“Чоштёпа” МФЙ аҳолиси 26 йилдан буён 948-трансформатордан фойдаланади. Утган давр мобайнида аҳоли кўпайди, электр сарфи ошди. Трансформатор киш-кировли кунларда қиланишга дош беролмай, таъминотда тез-тез узилишлар содир бўлаётганди. Депутатлик сўровимиздан сўнг янги трансформатор

ЧИРОҚЧИНИНГ МУАММОЛАРИ

режага киритилади, деган ваз билан ёпиқлигича қолмоқда



Фарҳод ЭЛМУРОДОВ,
халқ депутатлари
Чироқчи туман
кенгашидаги
O‘zLiDeP депутатлик
гуруҳи раҳбари

ўрнатилди. Чоштёпа кўчасидаги қўл-бола симёғочлар ҳам симбетонларга алмаштирилди.

Минг афсуски, аҳолининг электр таъминотини яхшилаш борасидаги

долзарб муаммони режага киритиш билан чекланишяпти, холос. “Бешбулок” МФЙга қарашли Лолабулок қишлоғида аҳвол бундан-да ёмон.

Туманимизда **421 149** нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларга **26** та амбулатория, **624** ўринли **3** та шифохонада тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Айни пайтда **39** нафар шифокор етишмас экан. Уйшун тиббиёт бўлими ходимлари **21 700** нафар аҳоли саломатлигини муҳофаза этиш учун масъул. **Туман марказидан 27 км узоқликда жойлашган бу муассасада 27 та ўрин мавжуд. Аммо кечки пайтда штат йўқлиги боис шифокор турмайди. Шифохонанинг 3 та бўлимида фақат битта ҳамшира навбатчилик қилар экан.**

Бу ерга келган киши шифохона эканига сира ишонмайди. Тўқилиб, қулайман деб турган биноларга киришга юраги дов бермайди. Тиббиёт маскани учун янги бино қуриш, малакали шифокорлар билан таъминлаш, штатлар сонини кўпайтириш борасидаги сўровларимизга фақат “режага киритилади” деган қуруқ жавобларни оляпмиз.

Туманда **192** та мактаб бўлиб, **52** таси **1** сменада, **140** таси **2** сменада ишлайди. Кўпгина таълим даргоҳларида ўқувчилар сони ошгани боис синфхоналар етишмаяпти. Айниқса,

жойлашган **56-мактаб** **2015** йили фойдаланишга топширилган. **160** ўринли билим масканида айни пайтда **350** нафар ўқувчи таълим-тарбия олаётир. **Мактаб ҳовлиси девор билан ўралмаган, ўқитувчилар хонаси, спорт зали ва буфет умуман йўқ. Энг ачинарлиси, мазкур билим даргоҳининг ўқувчилари у ёқда турсин, ўқитувчилари ҳам ҳанузгача компьютерда ишлашни билмайди десак, ишонасизми?**

Шакарбулоқдаги **156-мактаб 315** ўқувчига мўлжалланган. Аммо бу “бағрикенг” билим масканига **645** нафар ўғил-қиз қатнайди. Бу жойни мактаб дейишга тил бормайди. На девор, на спорт зали ва на ошхонадан дарак бор. **“Чоштёпа” МФЙ**даги **160-мактабнинг 5–11-синф ўқувчиларига дарс ўтилаётган синфхоналар поли бетон, музлаб ётибди. 2-ихтисослаштирилган мактабнинг 6 та синфхонаси поли ҳам бетон. Боз устига, яхши иситилмайди. Спорт зали ва ошхона йўқ. Икки мактаб ўртасида девор тортилмаган. 736** нафар ўқувчи, **80** нафар ўқитувчи учун битта ҳожатхона мавжудлиги бефаросатликдан бошқа нарса эмас.

“Паканди” МФЙдаги **2020** йил қурилиши тугалланган **7-мактаб** биносида поллар кўчиб ётибди, электр монтаж ишлари қўл учиде бажарилган.



бошқа сўровларига мутасаддилардан асослантирилган жавоблар ололмапмиз. **“Зарбдор”** ва **“Истиқлол” МФЙ**лар аҳолиси ҳам трансформатордан фойдаланувчилар сони кўпайгани боис электрга ёлчимапяти. Оқтўнли қишлоғида яшовчи **44** хонадон **103-мактаб** трансформаторидан фойдаланаётгани оқибатида электр таъминоти жуда ёмон. Қишлоқ учун алоҳида трансформатор керак. Қўлбола симёғочлар чириб, ҳар лаҳза одамлар устига қулаб тушиш хавфи бўлса-да, амалдорлар бу

“Гуллобод” МФЙ худудидаги **82-мактаб**да бу борада қийинчиликлар юзага келаётир. **“Талоқтёпа” МФЙ** худудидаги **125-мактаб** биноси **480** ўринга мўлжалланган бўлиб, ҳозирда бу билим масканига қатновчи ўқувчиларнинг сони **765** нафарга етди. Болалар **5-6** километр йўл босиб, машгулотларга қатнайди. Мактабда спорт зали йўқ, жисмоний тарбия дарслари ёзда очик майдонда, қишда суҳбат тарзида ўтказилади.


“Айритом” МФЙ Аччи қишлоғида



Депутатларимиз томонидан аниқланган мазкур аянчли аҳволни мутасаддилар жуда яхши билишади. Юборган сўровларимизга эса тўтиқушдек такрорланмаган “шаблон” жавоб бериш билан кифояланишга ёки умуман жавоб беришмайди.

Янги Ўзбекистонимизда учинчи Ренессанс пойдеворини билимли ва иқтидорли ёшлар барпо этади. Буни чироқчилик мутасаддилар унутмаслиги керак.

Баъзан одамларни энг долзарб мавзудаги бирор тadbир ёки йигилишга чақирсангиз, айримлар турли баҳоналарни рўкач қилиб, ўзларини олиб қочишга уринади. Чунки бесамар, фақат ё расмиятчилик, ё ҳисобот учун ўтказиладиган, аксар ҳолларда одамларнинг вақтини совураётган йигинлардан, очиги, кўпчиликнинг ҳафсаласи пир бўлган.



ПОЙТАХТДА ЭМАС, ЎША ҲУДУДДА ЕЧИМ ТОПИЛАДИ

Бундай оғриқли масалалар, афсуски, тadbиркорлик билан шуғулланаётган ёки энди фаолиятини бошлашга уринаётган юртдошларимизни қийнаётгани рост. Сабаби, шундай муаммолар ҳам борки, уларни биргина ҳокимлик, ташкилот ёки муассаса доирасида ҳал этиш қийин.

Аҳолини тadbиркорликка жалб қилиш, уларни қўллаб-қувватлашга масъул бўлган идоралар вакиллари, назорат органлари билан бир жойга жам бўлиб, бу каби асосли муурожаатларга имкони борича ечим топишга чин дилдан ҳаракат қилинса, олам гулистон. Аммо...

Ҳақли савол туғилади: хўш, O'zLiDePнинг янги истиқболли лойиҳаларидан бири – “Депутатлар ва тadbиркорлар мулоқоти” форуми доирасида ташкил этилаётган тadbирлар қандай амалий натижа берди?

– Партиямиз электорати вакиллари бўлар-бўлмас масалаларга беҳуда вақт ёки асабини сарфламай, ўз бизнесини ривожлантиришни, қўл остида ишлаётганларнинг моддий фаровонлигини оширишни ўйласа, ишлашдан, ҳаракатдан чарчамайди. Уларни ишдан совитадиган, асабини кемирадиган, гарчи арзимас кўринса-да, ечимини топиши қийин бўлган муаммолар, афсуски, ҳамон учраб турибди, – дейди лойиҳа иштирокчиси, Дўстлик туманида фаолият юритаётган замондошимиз Маманазар Жуманов. – Мен “Дўстлик лимон” МЧЖ раҳбариман. Масалан, иссиқхонамизни электр энергияси билан таъминлаш мақсадида қанча овораю сарсон бўлганим ўзимга аён. Мулоқотда шу масалани ўртага ташладим. Партиямиздан сайланган депутатимиз Шоҳруҳ Тангяриков бизнинг муурожаатимиз бўйича амалий ёрдам бергани учун раҳмат айтмоқчиман.



Бундай миннатдорлик сўзларини форум доирасидаги мулоқотлардан сўнг 30 миллион сўм миқдоридagi кредити ижобий ҳал этилиб, иссиқхона фаолиятини йўлга қўяётган бахмаллик Мавлуда Жумановадан, “Ҳар бир оила – тadbиркор” дастури асосида 20 миллион сўм кредит маблағига эга бўлган Жиззахлик Достон Убайдуллаев ва бошқалардан ҳам эшитиб, ростки, қувондик. Демакки, ушбу форумдан кўзланган мақсад ўз мевасини берар экан.

Яхши янгиликнинг қаноти бўлади, дейишади. Бошқа туманлардаги бундай умидбахш хабарларни эшитган форишлик тadbиркорлар ҳам Маҳалла марказида ташкил этилган юзма-юз мулоқотга шошилдилар. Халқ депутатлари вилоят ва Фориш туман кенгаши депутатлари, ишбилармонлар, хусусий ва кичик бизнес соҳаси вакиллари ҳамда тadbиркорликка қизиққан ёшлар, хотин-қизлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тadbиркорлар муурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси Жиззах вилоят бўлими, вилоят прокуратураси, Президент ҳузуридаги Тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя

қилиш бўйича вакилининг Жиззах вилояти ҳудудида фаолият кўрсатувчи бош инспектори, вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси, “Тadbиркор аёл” республика ишбилармон аёллар ассоциацияси вилоят бўлими, туман адлия бўлими, солиқ инспекцияси, тижорат банклари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган учрашувда жами 18 та муурожаат келиб тушди. Уларни обдон таҳлил қиладиган бўлсак, 10 таси кредит, 3 таси ер ажратилиши, 1 таси электр таъминоти, 1 таси савдо дўкони ноқонуний бузилиши, 1 таси олган кредити муддатини узайтириб бериш, 1 таси онлайн назорат касса машинаси учун ҳар ойлик сервис хизмати абонент тўловини бекор қилиш ва 1 таси деҳқон хўжалигининг 35 сотих ер майдонига сув чиқариш учун субсидия ажратиш каби муаммоларга тааллуқли эканига гувоҳ бўлдик.

Мисол учун, тadbирда “Сардорбек Бекзодбек” хусусий корхонаси раҳбари Бекзод Эшмуродов мебель ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланишини билдириб, бугунги кунда электр таъминотидаги узилишлар ва электр қув-

ватининг пастлиги натижасида корхонасидаги асбоб-ускуналар ишдан чиқаётгани ҳамда бу иш фаолиятига салбий таъсир қилаётгани сабабли амалий ёрдам сўради. Тadbиркорнинг мебель ишлаб чиқариш цехи бозор ҳудудида бўлгани учун шу ердагилар билан келишилган ҳолда туман электр тармоқлари корхонаси томонидан янги трансформатор ўрнатиб бериладиган бўлди.

Шунингдек, якка тартибда фаолият юритувчи Талъат Пўлатов “Ҳар бир оила – тadbиркор” давлат дастури бўйича АТ “Халқ банки” Фориш тумани филиалига иссиқхона ташкил қилиш учун 30 млн. сўм миқдорида кредит олиш мақсадида барча ҳужжатларини расмийлаштириб, 2020 йил март ойида муурожаат қилган экан. Бироқ бугунги кунгача кредит ажратилмаганини билдириб, банк ресурс йўқ деган баҳонада маблағ бермаётганини айтди. Ушбу муурожаат Халқ депутатлари туман кенгаши депутатлари томонидан назоратга олинди, бир ҳафта муддатда ҳал қилинадиган бўлди...

Аён бўляптики, ҳар қандай муаммо, у қатта бўладими, кичикми, барибир, ўша ҳудуднинг ўзида ҳал бўлиши шарт. Лекин жойларда ҳамон давом этаётган отанга бор, онангга бор, қабилдаги бемаъни ёндошув кўпчиликнинг ҳафсаласини пир қилаётгани бор гап. Биз ўзимиз бовосита иштирок этиб, шахсан гувоҳи бўлган ҳолатлар эса бундан мустасно. Одамларни алдаб, овораю сарсон қилишдан энди фойда йўқ. Оддий ҳақиқат битта: ҳар ким ўз вазифасини ҳалол, сидқидилдан адо этса ёки ваколати доирасида муурожаатларга бефарқ бўлмаса, исталган муаммо Тошкентда эмас, ўша ҳудудда ечим топади.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
“XXI asr” мухбири

Хоҳлаймизми-йўқми, ҳар бир нарсанинг ёмон, номақбул томони ҳам бор. Яна бир ҳақиқат шуки, танганинг иккинчи тарафи биринчисига яраша бўлади. Дейлик, катта бойликнинг ташвишу муаммолари ҳам каттадир. Интернет ҳам, фалсафий деймизми, табиийми, мазкур қоидадан мустасно эмас.

Глобал тармоқ фойдали, хайрли ишлар баробарида ҳар хил тубанликлар учун ҳам мислсиз имкониятларни вужудга келтирди. Виртуал майдонда оқиллик ва бемаънилик, поклик ва ифлослик, қадрият ва иллат – бари аралашиб кетди. Эркинлик, замонавийликни ўз қаричига – фаҳм-фаросатига, дидига мослаб олганлар, айниқса, олди-қочди сайтларда, ижтимоий тармоқларда ўзларининг жирканч ички қиёфасини – фаҳш, шафқатсизлик, аблаҳликни кўз-кўз қилгипти, бу каби ҳолатлар тобора чигал ва хавфли тус оляпти. Бу кетишда яна беш-ўн йилдан кейин нима бўлишини одамнинг ўйлагиси ҳам келмайди... Лекин бу гаплардан тақдирга тан бериш керак, бу кўргилки олдиди ожизмиз, деган маъно чиқмаслиги керак.

Халқда бир гап бор: кўйиб берса, кўнгил нималарни тусамайди. Ҳамма гап шунда-да, кўйиб беряпмиз!

Техника-технология тараққий этгани сайин янги имкониятлар, қулайликларга маҳлиё бўлиб, хотиржамликка берилаяпмиз, тобора беҳавотир ҳис қилаяпмиз ўзимизни. Ваҳоланки, глобаллашган, рақамлашган дунёда турли хавф-хатарлар камаймайди, аксинча, кўпаяди. Маълум сабабларга кўра уларга қарши курашиш ҳам қийинлашади. Имкониятларимиз қанчалик кенгайса, тартибга солиниши зарур соҳалар, муносабатлар, хатти-ҳаракатларнинг ҳам сони шунчалик ортади. Масалан, 30-40 йил олдин – ҳали мобиль алоқа воситалари оммалашмаган даврда автомобиль ҳайдаётганда телефонда гаплашиш мумкин эмас, деган қоида жорий қилинса, тентакнамо иш бўлар эди. Кейинроқ, ҳаёт тақозоси билан йўл ҳаракати қоидаларига тегишли нормалар киритилди. Аммо, негадир, пиёдалар учун ҳам шундай тартиб белгиланмади. Йўлларда кўплаб фожиалар рўй бергандан кейингина – анча кечикиш билан меъёрий ҳужжатларга қўшимчалар киритилди. Ҳолбуки, оддий дехқон ҳам, мисол учун, ҳали бирор техникани сотиб олмасидан аввал уни қандай тузатишни, эҳтиёт қисмлар топишни ўйлайди, сўраб-суриштиради, келтирадиган жамики фойдаю зарарини чўгта солиб кўради. Фарбда қандай маънавий фожиалар содир бўл-

керак. Тегишли қоидаларни ишлаб чиқиш, амалга киритиш лозим. Токи интернетдан фойдаланаётган ҳар бир одам сўз айтиш, маълумот тарқатиш масъулиятини тегран ҳис қилсин. Шу хусусда

у ёки бу даражада тартибга солинган. Интернет истисно бўлмаслигига ишончимиз комил. Қонун ижодкорлари, масъуллар эса тегишли қоидаларни ишлаб чиқишда куйидаги мулоҳазаларимизни

ўзи етарли эмасми? Негатив ахборотларга алоҳида урғу бериш, таъкидлашнинг нима ҳожати бор? Шусиз ҳам одамларнинг асаб тизимига босим кучли.

Виртуал майдонда жав-

ҚҲЙИБ БЕРСАНГИЗ, КҲНГИЛ НЕЛАРНИ ТУСАМАЙДИ

ёхуд виртуал жамоат жойларида тартиб ўрнатилишига эҳтиёж тобора кучаяётгани, муайян қоидалар жорий қилинишини пайсалга солмаслик зарурати хусусида

ганини биламиз. Улар бизни четлаб ўтади, деб ўйлаймиз шекилли, чуқур томир отиши мумкин иллатларнинг олдини олиш, маънавий заминимизда ниш ура бошлаган бузғунчи унсурларни даф қилишга астойдил киришмаяпмиз.

Ўтган йили Самарқанд шаҳри кўчаларида яланғоч ҳолда кўриниш бергани учун икки эркакка 15 суткадан маъмурий қамоқ жазоси тайинланган эди. Демокримизки, реал жамоат жойларида муайян даражада тартиб ўрната олдик. Бироқ виртуал майдонларда ҳамон бошбошдоқлик ҳукм сурияпти. Чақалоғини ҳожатхонага ташлаб юборган хотин, келиноийсини маъшуқ қилган йигит, уй жониворининг тириклай ёқилиши сингари хабарларни турли шаклларда тарқатаётганлар, шунингдек, уятсиз, ҳақоратомуз комментлар, постлар муаллифлари жазога лойиқ эмасми? Шовшув, шовқин кўтариш учун пашшадан фил ясаётганлар, тўйдан олдин ноғора чалиб, одамларни чалғитаётганлар тоқайгача рақамли жамоат жойларида бемалол шаталоқ отиб, ҳаммаёқни булғайди? Ижтимоий тармоқлардаги кўплаб матнларнинг тилига ҳам тоқат қилиб бўлмайди. Бошқаларни кўя турайлик, айрим журналистлар, тил ва адабиёт муаллимларининг ёзганларини кўриб одамнинг кўнгли айниди. Қисқаси, аксар ҳолларда интернет маънавийтимиз бойишига хизмат қилмаяпти. Айниқса, гўр ёшлар иллатлар ўпқонига кириб кетаётганини сөзмаяптир.

Виртуал жамоат жойларида бўлиш, ўзини тутиш тартиб-тамоийллари борасида қонунчилигимиз жуда орқада қолиб кетди. Энди шошилиш



сўз кетганда айримлар “сўз эркинлиги, демократия бўғилади” мазмунида эътироз билдиради. Лекин цензура билан назорат бошқа-бошқа тушунчалардир. Цензура – ахборотни тарқатишдан олдин махсус текшириш. Назорат эса жамият аъзоларининг таъминлаш воситасидир. Чунончи, телевидениеда назорат бўлгани учун ҳам ҳамма нарсада меъёр сақланаяпти. Назорат бўлмаган жойда ҳамма нарса издан чиқиб кетади.

Бинобарин, рақамли жамоат жойларида профессионал ёки непрофессионал фаолият юриштишда маънавий-ахлоқий ва бошқа мезонларга зид келувчи зарарли ахборот тарқатилишини тақиқловчи қоидаларни амалга киритиш зарур. Бунда ҳар бир шахс интернет имкониятларидан фойдаланишда эркин бўлиши, айни вақтда муайян чекловлар доирасидан чиқиб кетмаслиги, жавобгарликка тортилиши мумкинлигини ҳаммаша англаши лозим.

Ўртимизда ҳеч бир жабҳа назардан четда қолиб кетгани йўқ. Қарийб ҳамма соҳа

ҳам инобатга оладилар, деган умиддамиз.

Талай сайтлар, каналлар, ижтимоий тармоқлар шовшув, дув-дув гапларга жуда ўч. Бу тушунарли, рейтинг керак, пул ҳам. Худди чет эллардаги сингари бизда ҳам жиноятлар, фалокатлар, жанжаллар, гийбатлар, хулласки, салбий ахборотга қизиқиш кучли. Деярли ҳар бир сайт бош саҳифасида “Энг кўп ўқилган материаллар” мазмунидаги рунк бор. Масалан, кечадан аввалги эрталаб “Daryo.uz” да Катта Фарғона каналида чўкиб кетган ўсмир, “Xabar.uz” да Юнусободда заҳарланиб, вафот этган беш талаба, “Aniq.uz” да Самарқанддаги мудҳиш қотиллик тўғрисидаги ҳақидаги хабарлар пешқадим бўлиб турган экан. Кўп ўқилган бўлса бордир, лекин ана шу материалларни аҳамиятли ва мазмунли деб бўлмайди. Фикримизча, сайт мутасаддилари энг кўп ўқилган материаллар статистикасини ўзлари учун – ички ахборот сифатида юриштиши мақсадга мувофиқ. Неча марта ўқилгани ҳар бир материал сарлавҳаси тагида ёзилиб туради-ку! Шунинг

лон ураётганлар шоу-бизнес мавзусига ҳам алоҳида “меҳр” кўйишган. Ўзи, шоу-бизнес дейилганда нима тушунилади? Ҳали аниқ-равшан ва расмий таъриф берилган эмас. Шартли равишда мазкур атама кўшиқчилик, киночиликни билдиради, деб ҳисоблаймиз. Глобал тармоқда “юлдуз”ларнинг шахсий ҳаёти билан соҳага доир янгиликлар қоришиб кетаяпти. Ким кимдан ҳомиладор бўлди, ким кимдан ажрашди, даҳанаки жанглар қандай фильм суратга олинаётгани, санъаткорлар делегацияси ташрифоти тўғрисидаги хабарларга омухта. Бу мавзуда ахборот тарқатиш тартиб-тамоийллари ҳам аниқ белгилаб олиш пайти келди.

Ҳозирда юртдошларимиз кўп вақтини анъанавий жамоат жойларида эмас, балки рақамли, виртуал жамоат жойларида ўтказишяпти. Қонун-қоидалар ҳам шунга мос равишда муфассал, пухта, самарадор бўлиши айни муддаодир.

Фарҳод ҚҲРБОНБОЕВ,
иқтисод фанлари номзоди

Беҳзод Исроилов,
“XXI asr” муҳбири

Депутатларнинг ғолибага ҳадяси



Жисмоний машқ, меҳнат вужудимиз соғлом ва бақувват бўлишини таъминлайди. Руҳ юксалиши учун нима қилмоқ керак? Яхши, мағзи тўқ китобларни мутолаа қилиш даркор.

Китобсевар одамдан ёмонлик чиқмайди, унинг қалби, виждони уйғоқ бўлади. Шунинг учун ҳам давлатимиз китобсевар авлодни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратяпти. Хусусан, турли ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилаётган “Ёш китобхон” танлови ҳам ана шу эзгу мақсадга хизмат

қилаётир.

Яқинда мазкур танловнинг Сурхондарё вилоят босқичи бўлиб ўтди. Шўрчи туманининг Эзгулик маҳалласида яшовчи Шохсанам Ҳазратқулова 15-19 ёш тоифасида биринчи ўринни эгаллади. Унинг ютуғидан қувонган Шўрчи туман кенгашидаги О‘зЛиДеП депу-

татлик гуруҳи аъзолари – Шухрат Буронов ва Олим Мамашуқуров иқтидорли китобхонга компьютер жамланмасини совға қилишди.

– Ўтган йили танловнинг вилоят босқичида 3-ўринга лойиқ кўрилгандим, – дейди ғолиба қиз. – Устозларимдан олган сабоқлар ва жуда кўп китоб ўқиганим бесамар кетмади. Танловнинг республика босқичида ҳам бош совринни қўлга киритишга ҳаракат қиламан.

О‘зЛиДеП Сурхондарё вилоят Кенгаши матбуот хизмати

Бекободда ҳам китобхонлар кўп

Икки йил аввал партиямизнинг “Дурдона” лойиҳаси доирасида Бекобод туманининг энг чекка Ачамайли қишлоғидаги 48-умумтаълим мактабида “О‘зЛиДеП, ёшлар, китоб ва маънавият” номли акция ташкил этилган эди.

Тадбир давомида ўқув масканига жаҳон ва ўзбек адабиёти дурдоналари, дарслик ва қўлланмалар тақдим этилганди. Яхши ўрнак – энг яхши тарғибот, деган гап бор. Дарҳақиқат, партиямиз ташаббуси тумандаги умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежларида кенг ёйилди. Вилоят ҳамда туман кенгашларидаги депутатларимиз ўзлари ўқиган мактабларга шахсий

кутубхонасидаги китобларни тақдим эта бошладилар. Бу ҳаракат “Қадрдон мактабимга китоб совға қиламан” акциясига айланиб кетди. У ҳозир ҳам давом этапти. Яқинда тилга олинган умумтаълим мактабида туман кенгашига партиямиздан сайланган депутат, “Ачамайли” МФЙдаги бошланғич партия ташкилоти раиси Иқбол Эрбўтаева ва О‘зЛиДеП Бекобод туман кенгаши



ташаббуси билан китоб марафони ўтказилди. Партиямизнинг 15 нафар фаоли ҳамда маҳаллада истиқомат қилаётган фуқаролар мактабга ўз шахсий кутубхоналаридан китоблар тақдим этдилар.

Тадбирда мактаб ўқувчилари ўқиган асарлари, ёд олган шеърларидан парчалар ўқиб, тенгдошларга китоб билан

ошно бўлишнинг завқи тўғрисида сўзлаб беришди.

Фаолларимиз эса ёшларга мутолаа борасида маслаҳат ва тавсиялар беришди.

**Абдужаббор РАСУЛОВ,
О‘зЛиДеП Бекобод туман
Кенгаши аппарати раҳбари**

Очиқ мулоқот ёшларга ёқди

О‘зЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши “Ёшлик” Талабалар шаҳарчаси ҳамда Олмазор туман кенгаши билан ҳамкорликда “2021 йил ёшларни қўллаб – қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида “Янги Ўзбекистон ёшлари – келажак бунёдкорлари!” мавзусида очиқ мулоқот ўтказди.

Талаба-ёшлар “Парламентда менинг ўрним”, “Депутат ва ёшлар”, “Хавфсиз интернет”, “Ёш тадбиркор – элга мададкор” каби партия лойиҳаларига ўз муносабат, қизиқишларини билдириб, бу ҳақда етарли даражада маълумот олдилар.

Таъкидлаш жоизки, ҳозир ёшларини интернетдан тўғри фойдаланишга ўргатиш, кўниктириш энг жиддий муаммага айланган. Тўғри,

аслида тез ва арзон ахборот олиш, уни қайта ишлаб, етказиб беришда интернетга тенг келадиган манба топилмайди. Фақат ёшларнинг маънавий-ахлоқий талабларга жавоб берадиган сайтларга кириши, ахборот олиш маданиятини кучайтиришимиз зарур.

Халқаро майдонда мафқуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳли-

кали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли бузғунчи ғоялардан, диний экстремизм, мафқуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб боришда ҳамма фаол бўлиши керак.

Тадбир савол-жавоб ва баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди.

О‘зЛиДеП Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати



8 нафар аёл машинали бўлди

Уйчи туман Маданият марказида ҳамда хотин-қизлар учун таниқли санъаткорлар иштирокида гала-концерт уюштирилди ва турли йўналишлар бўйича фаол хотин-қизлар тақдирланди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Барно Мирзамова,

туман ҳокими ўринбосари Шухратжон Якуббаев, вилоят кенгаши депутатлари Маъмура Турғунова, Зулайҳо Атахонова сўзга чиқиб, йиғилганларга самимий тилаклар билдиришди.

Фестиваль якунида тикувчилик қилиш истагида бўлган, “Аёллар дафтари”га киритилган 8 нафар аёлга “Халқ банки” Уйчи туман филиали томонидан тикув машиналари тақдим этилди.

О‘зЛиДеП Наманган вилояти Кенгаши матбуот хизмати

Бугун юзлаб ота-оналар ва соҳага умрини бахшида қилган мутахассисларнинг норозилигига сабаб бўлаётган масала – Мақтабгача таълим вазирининг 2020 йил 27 ноябрдаги “Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мақтабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 186-сон буйруғи. Ушбу буйруққа асосан Хоразм вилоятидаги 10 та шундай МТМ умумий турдаги МТМларга айлантирилгани.

Буйруқ ижросини таъминлаш учун вазирлик тузган комиссия бу масалани ўрганган. (Қандай ўргангани алоҳида мавзу). Шунингдек, вилоят мақтабгача таълим бошқармаси ва соғлиқни сақлаш бошқармалари фаолият юритиб келаётган 17 та ихтисослаштирилган МТМдан қайсылари қолиши ва қайсылари умумий турдагига айлантирилиши буйича таклиф ва тавсия беришган.

Ушбу тавсия ва таклифдан парча:

“Урганиш натижаларига кўра, Урганч шаҳридаги 5, 6-сон, Хива шаҳридаги 6-сон, Қўшқўпир туманидаги 27-сон, Ҳазорасп туманидаги 1, 6-сон, Хонқа туманидаги 5, 11-сон,



ташкilotта мослаштириш имконияти йўқлиги билдирилган. Бу ёқда эса тизим раҳбарлари бизнинг МТМни 240 ўринли қилиб, ўзларича белгилаб, бу ерга соғлом болаларни жалб қилишни бошлашди...”

Маълумот учун айтиш жоиз, Урганч шаҳридаги 6-сон ихтисослаштирилган МТМ ви-

тезроқ мақтаб ёшигача бўлган болаларни мақтабгача таълим ташкilotларига қамраб олиш кўрсаткичи қизиқтиради, холос. Аслида, юқоридаги шошма-шошарлик билан чиқарилган буйруқлар ҳам айнан шу мақсадни кўзламаганими, деган ҳаёлга борасан киши. Бунинг исботи – тугатилган ва тури ўзгартирилган барча ўрта МТМдаги қабул ўринлари лойиҳада белгиланганидан анча оширилганида кўринади.

Яна бир қизиқ ҳолат. Тугатилган МТМлар мудирларининг телеграм месенжерига тиборилган Хоразм вилоят таълимий-психологик-педагогик комиссия йиғилишининг баённомасида “Умумий турдаги давлат мақтабгача таълим ташкilotига айлантирилган кўп тармоқли ихтисослаштирилган мақтабгача таълим ташкilotларида соғломлаштирилиб, таълим-тарбия олиб келаётган болаларнинг рўйхатини шакллантириш ҳамда ушбу рўйхатдаги болаларни ота-оналарининг хоҳишидан келиб чиққан ҳолда жорий йилнинг (?) 1 феврал-

Шошма-шошарлик билан чиқарилган буйруқ

Имконияти чекланган болажонларни кўчада қолдирди

Шовот туманидаги 19-сон, Янгиариқ туманидаги 1-сон – жами 10 та ихтисослаштирилган МТМлардаги шарт-шароитлар етарли даражада эмас ёки турлари тўғри ташкил қилинмаган. Ушбу МТМларни умумий типдаги МТМларга айлантириб, улардаги оғир нуқсонли болаларни бошқа кўп тармоқли ихтисослаштирилган МТМларга ўтказилишини тавсия қиламиз”.

Бу хатда қизиқ бир қарама-қаршилик ҳолати кўзга ташланади. Айталидики: “... вилоятда 5 ёшгача бўлган мингдан ортиқ жисмоний ёки психик ривожланишда нуқсонли бўлган болалар контингенти бор, уларни соғломлаштириш учун қулай бўлган, шарт-шароити етарли даражада ташкил қилинган ва аҳоли учун қулай (?) бўлган 7 та ихтисослаштирилган МТМлар мавжуд. Уша 7 та МТМда жами 750 нафар тарбияланувчини қамраб олишимиз мумкин”.

Хўш, қолган икки юз эллик дан зиёд нуқсонли болажонлар қаярга боришади? Умуман айтганда бу шошма-шошарлик билан ўтказилган “қайта ташкил қилиш”да қанақа “аҳоли учун қулайлик” назарда тутилди?

Вилоятнинг энг чекка ва аҳоли нуфуси бўйича энг йирик Ҳазорасп туманидаги иккита ихтисослашган МТМда шу пайтгача тарбияланаётган болажонлар 50 қаққирим узоқдаги Урганч шаҳри ёки 25 қаққирим наридаги Богот туманида жойлашган МТМларга қандай қатнайди? Ёки

вилоят марказидан деярли икки юз қаққирим олис масофада жойлашган Тўпроққалъа тумани ҳудудидаги шундай нуқсонли болажонлар тақдирини нима бўлади? Ёки чекка ҳудуд ҳисобланмиш Янгиариқ туманидаги ягона шундай ихтисослашган МТМ тугатилиши билан 40 нафар болажон кўчада қолгани-чи?! Уларнинг ота-оналари Урганч шаҳридаги ихтисослашган МТМга боласини олиб бориб-келишлари учун ҳар куни кетадиган камиди 40 минг сўмни қаердан топишни ўйлаб, муассасани олдинги ҳолатида қолдиришни сўраб, мурожаатлар қилишаётгани ўринли ахир.

Хуллас, вазирлик буйруғи қисқа фурсатда ижро қилинган. Вилоят мақтабгача таълим бошқармаси 2020 йил 30 ноябрда, Урганч шаҳар мақтабгача таълим бўлими 2020 йил 2 декабрда буйруқ чиқарган. Ўз навбатида маҳаллий ҳокимликлар ҳам тегишли тартибда ўз қарорини имзолаган.

Энди айнан шундай бир қарор тўғрисида тўхталамиз. Яхшиси, қарор нотўғри қабул қилинган ҳақида бир қатор юқори ташкilotларга мурожаатлар қилган инсонлар дарди ва эътирозларига қулоқ тутамиз.

Бу эътироз муаллифи Урганч шаҳридаги 6-сон МТМ тарбиячиси Шахло Жуманиёзова. Ишиси қолган логопед, ортопед шифокорлар, тарбиячи ва тарбияланувчилар манфаатини ҳимоя қилаётган бу аёл ҳақли эътирозларни ўртага ташламоқда. Мана ўқиб кўринг:

“Вазирлик, бошқарма, бўлим буйруқлари ҳамда Урганч шаҳар ҳокимининг 2021 йил 18 январдаги (99 к-сонли) қарори ноқонуний тарзда, мавжуд аҳвол чуқур таҳлил қилинмасдан қабул қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги “Мақтабгача таълим ташкilotлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 391-сонли қарори билан тасдиқланган “Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мақтабгача таълим ташкilotлари ва қўшма типдаги мақтабгача таълим ташкilotлари тўғрисида”ги низом (3-чи илова)нинг 18-банди 2-қисмига кўра ихтисослашган мақтабгача ташкilot ва қўшма типдаги мақтабгача ташкilot ўқув йили тугатилганидан кейин қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ёки тугатилади, дейилган. Урганч шаҳар ҳокими ҳам ушбу қарор ижросини таъминлаш учун юқоридаги қарорни чиқарган эмиш. Ахир бу ҳукумат қарори талабларига мутлақо зид-ку! Ўқув йили 2 сентябрдан кейинги йил 31 майгача деб белгиланган-ку!

Шаҳардаги 6-сон МТМ биниси фақатгина жисмоний ва психик ривожланишда нуқсонли бор болалар учун ихтисослаштирилиб барпо этилган. Ваҳоланки, Хоразм вилояти курилиши соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси томонидан 2021 йил 7 январь куни берилган хулоса хатининг якуний қисмида ҳар бир бола учун белгиланган хоналар ҳажми 6-сон МТМни умумтурдаги

лоятдаги шу турдаги энг кекса даргоҳ ҳисобланади. Унинг фаолият бошлаганига ярим асрача бўлиб қолди.

...Буйруқлар ва қарорлар чиққанига икки ойча бўлаяпти. Хўш, ҳозирда бу масала қандай ечим топмоқда? Ҳазорасп туманидаги тури ўзгартирилган 1-сон МТМда 20 нафар нуқсонли ва 80 нафар соғлом бола тарбияланмоқда. Лойиҳада 140 ўринли МТМга эндиликда 180 болани жалб қилиш режалаштирилган.

Янгиариқдаги 1-сон, Урганч шаҳридаги 6-сон МТМларда ҳам нуқсонли болалар алоҳида, соғлом болалар алоҳида тарбияланишапти. Гарчи, расман бу МТМлар тугатилиб, қайта ташкил қилинган бўлса-да, олдинги фаолиятини бажаришга мажбур. Уларни бунга хаста фарзандларнинг ота-оналари мажбур қилишапти. Ҳатто эрталаб баъзи ота-оналар жисмоний ва психик нуқсонли бор болаларини олдин тарбияланаётган, эндиликда тугаган МТМларга келтириб, ташлаб кетишапти.

Ота-оналарни ҳам тушуниш керак. Улар бошқа туманда ёки вилоят марказидаги ихтисослашган МТМларга болаларини олиб бориш ва йўл қайтиш харажатлари ва йўл узоқлигидан норозилар. Аҳвол шу даражада ачинарли ва ҳайратланарли. Бу ҳолатга вилоят мақтабгача таълим бошқармаси мутасаддилари қандай қарашяпти? Уларни фарзандларнинг соғлиги, ота-оналар ташвиши эмас,

га қадар ўз мақтабгача таълим ташкilotларида тарбияланиб туришлари ҳақида вазифалар берди” дейилган. Баённомада 2020 йил деб кўрсатилган, аниқ сана қўйилмаган. Бошқарма бошлиғи Н. Ёқубова раислик ечим топмоқда? Ҳазорасп туманидаги тури ўзгартирилган 1-сон МТМда 20 нафар нуқсонли ва 80 нафар соғлом бола тарбияланмоқда. Лойиҳада 140 ўринли МТМга эндиликда 180 болани жалб қилиш режалаштирилган.

Янгиариқдаги 1-сон, Урганч шаҳридаги 6-сон МТМларда ҳам нуқсонли болалар алоҳида, соғлом болалар алоҳида тарбияланишапти. Гарчи, расман бу МТМлар тугатилиб, қайта ташкил қилинган бўлса-да, олдинги фаолиятини бажаришга мажбур. Уларни бунга хаста фарзандларнинг ота-оналари мажбур қилишапти. Ҳатто эрталаб баъзи ота-оналар жисмоний ва психик нуқсонли бор болаларини олдин тарбияланаётган, эндиликда тугаган МТМларга келтириб, ташлаб кетишапти.

Яна бир томони – шундай ташкilotларда ишлаётган тарбиячи ва бошқа мутахассисларнинг иш шароити оғирлиги инobatга олинб, Президентимиз томонидан уларнинг маоши оширилган. Демак, ушбу тугатиш ва қайта ташкил қилиш ортида бюджет маблағларини тежаш гоёси ҳам ётгандек...

Масаланинг ягона ечимини – узоқ туманлардаги ва муқаддам ихтисослашган МТМларни ўз ўрнида қолдириш, ҳеч бўлмаганда, аралаш тарзда фаолият юритишларига рухсат бериш! Шунда сиз ҳам, кабоб ҳам куймайди – малакали шифокорлар ва тарбиячилар умрини бағишлаган севимли ишига қайтишад. Энг асосийси, жисмоний ва психик имконияти чекланган болажонлар кўчада қолмайди.

Инсонпарварликка йўғрилган сиёсатимиз талаби ҳам шу аслида!

Рўзимбой ҲАСАН,
журналист

Хоразм вилояти

Саратоннинг душманлари

Олимларнинг таъкидлашича, тўғри овқатланиш онкологик касалликларга чалиниш хавфини 70-80 фоиз камайтиради

XXI ASR

Канцероген моддалар истеъмол маҳсулотларимизга ташқи муҳитдан тушади. Устига устак, бунга озиқ-овқат саноати баракали ҳисса қўшмоқда. Буям етмагандек, ўзимиз ҳам ошхонамизда анча-мунча канцерогенларни пишир-куйдир қиламиз. Аслида, саратоннинг дўстларига эмас, балки душманларига дастурхонимиздан кўпроқ жой беришимиз керак.


– Гўштли ёки хамирли овқат пиширганда ва маҳсулотларни 120°C дан юқори ҳароратда қиздирганда икки хил канцероген модда ҳосил бўла бошлайди. Улар ҳужайраларимизда мутацияларни келтириб чиқаради ва саратон ривожланишига имкон туғдиради, – дейди **кимё фанлари доктори, профессор Яков Яшин.** – Бахтимизга, канцерогенларнинг кучини кесадиган моддаларга бой бир талай маҳсулотлар ҳам бор. Улардан мунтазам истеъмол қилиб турсак, танамизда онкологик касалликлар ривожланишига ўрин қолмайди. Ўсимликларнинг таркибидаги озиқ моддаларда учрайдиган, мураккаб терминлар билан аталадиган полифеноллар худди шундай хусусиятга эгаллигини кўлаб тадқиқотлар исботламоқда.

Полифенолларнинг инсон танасига таъсири жуда хилма-хилдир. Антиоксидантлар сифатида саратон ривожланишининг муҳим омили бўлган оксидловчи стрессни камайтиради. Шунингдек, хавфли ўсмаларга қарши тўғридан-тўғри ҳимоя таъсирига эга: канцерогенларни зарарсизлантириш, саратон ҳужайраларини емириш, гормонларни бошқариш, иммунитет тизимини рағбатлантириш...

Бугун саратонга қарши курашадиган минглаб моддалар маълум. Шундай озиқ-овқатларни кўп-кўп еб-ичиш ошқозон, кўкрак


ЯХШИСИ, ЕМАГАН МАЪҚУЛ

Кенг тарқалган канцерогенли маҳсулотлар:



* Дудланган маҳсулотлар (гўшт, балиқ, шпрот ва бошқа дудланган консервалар, дудланган пишлоқ)

■ ПАУ (полиароматик углеводородлар, шу жумладан, кучли канцероген бензпирен)



* Нон, печенье каби пишириқлар, чипс ва шу каби қовурилган маҳсулотлар

■ акриламид



* Сирти куйдириб пиширилган гўшт маҳсулотлари (шашлик, гриль, барбекю, қовурмалар), сирти қора нон (куйдирилган)

■ гетероциклик аминлар (кучли канцерогенлар)



* Гўшт ва колбаса маҳсулотлари

■ нитрозаминлар



* Ерёнғоқ, хандон писта ва бошқа баъзи бир ёнғоқлар.

■ кўпинча таркибида микотоксинлар (афлатоксинлар, зеараленон, охра-токсин, патулин) бўлади.

САРАТОНДАН САҚЛОВЧИ ОЗИҚ-ОВҚАТЛАР

- Кўк чой, какао, қизил шароб (вино)
- Олма, узум ҳамда сариқ ва тўқ сариқ мевалар
- Пиёз, помидор, ошқовоқ, шолғом ва бошқа сабзавотлар
- Карам, айниқса, брокколи
- Клюква ва бошқа резаворлар

- Зайтун, зайтун мойи
- Соя маҳсулотлари
- Қизил балиқ ва увилдириқ (икра), қисқичбақа ва денгиз ўтлари
- Зарчўба (зарчава, куркума), хантал
- Зиғир, жавдар

бези, простата ва колоректал рак каби ўсмалар хавфини камайтириши тиббий кузатувлар асосида аниқланган. Масалан, қизилўнғач саратони эҳтимоли 22–40% гача пасайиши исботланган.

Фойдали моддалар озиқ-овқат билан етарлича қабул қилинмаганда эса онкологик касалликка чалиниш ҳолатлари 12–20% гача ошган.

Аёлларда кўп учрайдиган кўкрак бези саратонининг душмани – зиғир! Уруғи ҳам, ёғи ҳам овқатга қўшилса яхши. Айниқса, менопаузадан кейин нафи юқори. Брокколи ва карамнинг бошқа турлари ўсмаларга қарши кучли таъсирга эга. Шу боис эркаларга ҳам қатъий тавсия этилади.

Қаҳванинг юрак-қон-томир тизимига зарари азалдан айтиб келинади. Бугун эса рад этилмоқда. Унинг кўкрак бези, колоректал ва жигар саратони ривожланишига тўсқинлик қилиш хусусияти борлиги аниқланган.

Тадқиқотлар хулосасига кўра, саратонга қарши турли жиҳатдан таъсир кўрсатадиган моддаларга бой озиқ-овқат маҳсулотларини бирга истеъмол қилиш орқали ҳимоя янада кучаяр экан. Бу таомномангизнинг ранг-баранглигини ҳам таъминлайди. Зарчўба, какао, кўк чой, резаворлар ва гиёҳларни эса асло унутманг.

Саратон душманларини доимий равионга киритиш ҳар томонлама кони фойда. Уларнинг таркибидаги биоактив компонентлар хавфли ўсмалар ривожланишига тўсқинлик қилиб қолмай, айна пайтда бутун вужудга умумий даволловчи таъсир кўрсатади, қон-томирларни атеросклероздан ҳимоялайди ва эрта қаришнинг олдини олади.

ЎЗМУ талабаси
Динора ХУЖАЕВА
“АиФ” материаллари
асосида тайёрлади.

“Аёллар қаноти”

О'zLiDeP Бухоро вилояти кенгаши “Аёллар қаноти” ҳамкор ташкилотлар билан бирга худудлардаги кам таъминланган аёллар учун ҳар жиҳатдан фойдали бўлган тадбирлар ўтказишни анъанага айлантирган.

Пухта режа асосида ишлаб чиқилган ва амалга оширилган бундай ишлардан кўзда

тутилган асосий мақсад хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бизнесини йўлга қўйиш истагида бўлганларга аниқ йўл-йўриқ, маслаҳат ва тавсия беришдан иборат. Эътиборлиси, бундай йиғинларда бўлажак тадбиркорларга тижорат банкларининг имтиёзли кредитларини

ажратиш ҳам кўзда тутилган. Амалий кўмак аёллар бандлигини таъминлаш имконини берапти.

– Вобентлик 1 370 нафар опа-сингил “Аёллар дафтари”га киритилган, уларнинг 1 304 нафари ижтимоий ҳимояга муҳтож, вақтинча ишсиз, – деди партия вилоят кенгаши

раисининг аёллар масалалари бўйича ўринбосари, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Дилбар Аҳмедова. – Туман марказида ўтган икки кунлик семинар-тренингда уларнинг 51 нафари тижорат банкларидан имтиёзли кредит олиб, тадбиркорликнинг бир қатор йўналишларида

ўз ишини бошлаш истагини билдиришди. 173 нафари касб-хунар ўрганишга иштиёқманд.

Шу кунги 100 нафар хотин-қизни “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди вилоят худудий филиалининг малакали шифокорлари бепул тиббий кўриқдан ўтказишди. Беморлари муолажа қилинди, 143 миллион сўмлик дори-дармон улашилди.

Асхор ИСТАМОВ,
“XXI asr” мухбири

Не дардинг бор, эй аёл?

Нозимжон Қодиров интилувчан тадбиркорлардан. Фаолиятини янада кенгайтириши учун сармоя зарур. Бизнес лойиҳаси аллақачон тайёр. Бирмунча маблағи ҳам бор-у, мўлжаллаган ишларига етмайди-да.

O'zLiDeP Булоқбоши туман кенгаши ташаббуси билан тумандаги 14-болалар мусиқа ва санъат мактабига ташкил этилган "Депутатлар ва тадбиркорлар мулоқоти" форуми айна муддао бўлди. Муаммога ечим топилди. Халқ банки Булоқбоши туман филиалидан ёғоч маҳсулотларини қайта ишлаш фаолиятини йўлга қўйиш учун бизнес лойиҳада кўрсатилган 30 миллион сўм кредит маблағи 5 кунда ажратиладиган бўлди. Буни депутатлар назоратга олди.

Насибохон Бадалова ҳам муаммосига ечим топишдан умидвор ишбилармонлардан. Фаолият тури

қонуний асосда мусодара қилинган товарлар савдосига асосланган. Бироқ муаммо шундаки, бундай турдаги маҳсулотлар тадбиркорга ўз нархидан сунъий оширилган тарзда етказилмоқда. Масала юзасидан ўрганиш ишларини туман прокуратураси зиммага олди. Муаммонинг бартараф этилишига халқ депутатлари туман кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи масъул.

– Тадбиркорлик қилмоқчиман, – дейди шарқ юлдузилик Зиёдулла Янгибоев. – Маҳалламизда мини-стадион қуриш бўйича бизнес лойиҳам тайёр. Спорт – саломат-

лик гарови экани бот-бот таъкидланаётган бир пайтда бу ташаббусим қўллаб-қувватланишини истайман. Таякка кўчасида мини-стадион ташкил этишга мос майдон ҳам мавжуд. Аммо шу вақтга қадар мазкур ер майдони қайси ташкилотнинг тасарруфида экани маълум бўлма-япти (?). Ер майдонининг кадастр ҳужжатлари тикланса, бу муаммога ечим топилади.

Мазкур ҳолатни Халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи назоратга олди.

Шерзодбек Тўраев хунарманд. Фаолиятини кенгайтириш учун ту-

мандаги кичик саноат зонасидан 4 сотих ер майдони ажратилишида амалий кўмак сўраб қилган муурожаати Халқ депутатлари туман котибияти мудирини Нодирбек Бердиқулов назоратида. Хунарманд сўраган – Қумариқ маҳалласидаги ёшлар учун кичик саноат зонасидан ажратиладиган ер майдони учун депутат зарур ҳужжатлар рўйхатини тақдим этди.

Натижалар билан келгусида фикрлашамиз. Ўйлаймизки, тадбиркорлар муродига етади, албатта.

Муяссархон УМУРЗОҚОВА,
O'zLiDeP Андижон вилоят
кенгаши бўлим мудирини

Реклама ўрнида

ЭЪЛОН!

Сурхоннинг азми қатъий бинокорлари

Бугунги кунда мамлакатимизнинг қайси бир бурчагига борсангиз, бунёдкорлик, яратувчанлик ишларига гувоҳ бўласиз. Ҳам сифат, ҳам кўриниш жиҳатидан замонавий услубда қад ростлаётган турли бино-иншоотлар шаҳару қишлоқларимиз кўрkiга кўрк бағишлаётир. Биргина Сурхон воҳаси мисолида фикримизни давом эттирадиган бўлсак, бу ҳудуддаги бунёдкорликлар ҳам чаккимас.

Қуёшли заминимизнинг жанубий сарҳадларида аҳоли фаровонлиги йўлида кўнгилочар масканлар, мактабу шифохоналар, болалар боғчаси уй-жойлар барпо этилмоқда. Бундай қулайликлардан барча бирдек мамнун. Жумладан, Денов туманининг Хазарбоғ маҳалласи болажонлари авваллари эски, абгор ҳолатдаги боғчага қатнар эди. Энди унинг ўрнида янги, замонавий, кўркам 90 ўринли икки қаватли 20-мактабгача таълим ташкилоти қурилди. Масканда замонавий ошхона, ёзги айвонча ва ўйингоҳлар кичкинтойларга мунтазир.



Суратда (ўнгдан чапга): "Бойсун қурувчи" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Улуғбек Солаев ва иш юритувчи Алишер Менглиёзов.

Ушбу таълим-тарбия маскани Инкирозга қарши курашиш махсус жамғармаси ҳисоби асосида Мактабгача

ча таълим вазирлиги ҳузурдаги "Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси" ДУК Сурхондарё вилояти филиали буюртмасига кўра барпо этилган.

Шунингдек, туманининг Озод маҳалласида ҳам

инжиниринг компанияси" буюртмасига кўра, туман тиббиёт бирлашмасининг 150 ўринли терапия бўлимини қуришни ҳам зиммасига олган.

Сариосиё тумани Шарғун шаҳарчаси тиббиёт бирлашмасида 60 ўринли туғруқ бўлими барпо этилди. Айна дамда муассасани "Макро глобал строй инвест" МЧЖнинг азамат қурувчилари фойдаланишга топшириш арафасида. Термиз шаҳар тиббиёт бирлашмасида ҳам кенг қўламли қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Бу ерда 25 ўринли терапия, болалар, жарроҳлик, гинекология ва бошқа бўлимлар реконструкция қилинмоқда. Ушбу ишларни сифатли бажариш вазифасини тажрибали бинокор Улуғбек Солаев бошчилигидаги "Бойсун қурувчи" МЧЖ қурувчилари зиммаларига олган.

Ҳорманг, халқ фаровонлиги йўлидаги савобли ишларингиз учун ташаккур, деймиз.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
"XXI asr" мухбири



"Best auto auktion"

масъулияти чекланган жамияти

БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ
БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ
БОРИШИ ТАРТИБИДА

ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН
САВДОГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Аукцион савдога Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компаниясига тегишли, Нукус шаҳри Х. Улиқпан кўчаси 59-А уй манзилида сақланаётган, 2015 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 95/ 587 VAA бўлган "Дамас" русумли автотранспорт воситаси 10 200 000 сўм бошланғич баҳода қўйилмоқда.

Аукцион савдо 2021 йил 12 ва 19 апрель кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 09:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охириги муддати: 2021 йил 9 ва 16 апрель кунлари соат 18:00 гача.

Савдода иштирок этиш учун ариза, закат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишоннома тақдим этилади. Талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини "BEST AUTO AUKSION" МЧЖнинг АТБ Капиталбанк Тошкент филиалидаги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 9008 0578 4001, МФО 00445, СТИР 305 089 257.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:
Нукус шаҳри Амир Темур кўчаси 122-А уй.
Тел.: (61) 222 88 80.

“ҚОРЁЗБОБО”: ИННОВАЦИЯСИЗ ИСЛОҲОТ ЙЎҚ

ҳам етарли. 100 дан орტიқ доимий ишловчиларга ойлик маошлари ўз вақтида бериб борилаётир. Туркиядан келтирилган юқори технологияли ускуналар ёрдамида насли

лади. Маҳсулот қадоқлиби, чет элдаги хариддорларга етказилади. Маҳсулотнинг бир қисми Қўқон шаҳридаги “Садаф сут” оилавий корхонасига ҳам юборилапти.

Иқтисодийтимиз ривожидида яйпанлик миришкорларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Уларнинг меҳнати ва қалб кўри билан етиштирилган пахта ва галла, мева ва сабзавот, полиз ҳамда бошқа маҳсулотлар бугунги кунда аҳоли дастурхонини тўлдириб, бозорлар тўқинлигини таъминламоқда.

Бу ерда бугунги кунда 148 та пахта ва галла етиштирувчи фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, 249 та боғдорчилик, 34 та чорвачилик, 68 та сабзавотчилик ва 17 та паррандачилик хўжалиги мавжуд. Кўп тармоқли фермер хўжалиқларидан “Қорёзбобо”, “Ўрмонобод”, “Муқимий фазл”, “Соҳибкор тоғай”, “Умидбек чорваси”, “Муслим барака инвест” ва “Аъзамжон юкса-

лиш” кабилар белгиланган барча замоний талаб ва мажбуриятларни намунали адо этишда бошқаларга ўр-нак бўлмоқдалар. Мазкур фермер хўжалиқларида замонавий инновацион технологияларни қўллаш ва улардан унумли фойдаланишда самарали тадбирлар амалга оширилмоқда.

“Қорёзбобо” кўп тармоқли фермер хўжалиги айни пайтда тумандаги энг намунали, юксак талаблар асосида фаолият олиб бораётган хўжалиқлардан. Қишлоқнинг номи билан аталувчи ушбу хўжалик аъзолари жорий йилда 25 гектар майдонга пахта, 105 гектарга эса галланинг баракча уруғини қадашди. Кўзланганидан ҳам мўл ҳосил олиш учун айни кунларда вақтинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиб ишлашяпти. Чорвачилик хўжалиқнинг ривожланган тармоғи ҳисобланиб, 890 бош зотдор, бир



неча йил олдин Германиядан олиб келинган Голдштейн насли қорамоллар меҳр билан парваришланмоқда. Уларни белгиланган рацион асосида боқиш учун хўжалиқда етарлича озуқа базаси яратилган, ем-хашак етиштириш учун 175 гектар майдон ажратиб берилган. Ишчи кучи

қорамоллардан кунига 5-6 тоннагача сифатли сут соғиб олинмоқда. Бу эса ишни янада тез ва сифатли адо этишда жуда қўл келаётир. Янги соғиб олинган сут махсус машиналарда мижозларга – Намангандаги “Лактализ агро” кўшма корхонасига жўнати-

Айтганча, “Қорёзбобо” эҳтиёжманд, ёлғиз ва ногиронларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш, йўлларни асфальтлаш каби сабов ишларга ҳар доим бош-қош.

Одилжон ЭРГАШЕВ

“XXI asr” жавоб беради

ОГОҲЛАНТИРМАСДАН АВВАЛ...

– Савдо ишлаб чиқариш фирмасининг раҳбариман. Бир ташкилот билан маҳсулот етказиб бериш тўғрисида шартнома тузганмиз ва олдиндан 15 фоиз тўловни амалга оширганмиз, ўз навбатида бизга шартлашилган товар етказиб берилган. Мен хизмат сафари билан хорижий давлатда бўлдим ва бу вақтда жамиятнинг бухгалтерлик ҳужжатлари билан бош ҳисобчим шугулланди. Яқинда суддан чақирув қоғози келди, маҳсулот қийматининг қолган 85 фоизи тўланмагани учун шартлашувчи тарафимиз бизнинг фирма ҳисобидан 270 000 000 сўм асосий қарз билан бирга, тўлов 37 кун мuddатга кечиктирилгани учун 36 000 000 сўм пеня ҳам ундиришни сўраган экан.

Ўртамиздаги шартномада тарафлар судга мурожаат қилишдан олдин низони тинч йўл билан ҳал этиш мақсадида ўзаро музокаралар олиб бориши, улар самара бермаса, талабнома тартибига риоя этгандан сўнг судга мурожаат қилишга ҳақли экани белгиланган. Тўғри, эътиборсизлигимиз сабабли маҳсулот қийматининг қолган қисмини мuddатда қайтара олмадик, ammo ҳақдор тараф бизга қарз мавжудлиги ҳақида эслатма ёки талабнома юборганида, қарзни дарҳол қайтариш чораларини кўрган бўлардик, натижада пеня ва суд харажатларига ҳам тушмас эдик. Қонунчиликда бизнинг муносабатларимиз қандай тартибга солинади, шунга жавоб берсангиз?

Ш. СОАТОВ
Учтега тумани

– “Хўжалик юри-тувчи субъектлар фао-лиятининг шартнома-вий-хуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддасида талабнома билдириш, 18-моддасида эса талабномани кўриб чиқиш тартиби ва мuddат-лари белгиланган. Унга мувофиқ ўзига талабнома билдирилган хўжалик юри-тувчи субъект талабноми олган кундан бошлаб ўн беш кун мuddат ичида унга жавоб қайтариши шартлиги белгиланган.

О л и й суд Пле-нумининг “Биринчи инстанция суди то-монидан иқтисодий процессу-ал қонун

нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғри-сида”ги (2019 йил 24 май-даги 13-сонли) қарорининг 3-бандида қонун ёки шарт-номада низоларни судгача ҳал этиш (талабнома юбо-риш) тартиби белгиланган бўлса, бундай ҳолда даъ-вогар ушбу тартибга риоя этиши мажбурий экани ҳақида тушунтириш бе-рилган.

Агар тарафлар ўртаси-даги ҳуқуқ ва мажбурият-ларни белгилаб берувчи шартномада низо ни суд-гача ҳал этиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилиши тартибига белги-лаб қўйилган бўлса, у ҳолда даъво тақдим этган шахс бундай тартибга риоя эт-ганини тасдиқловчи далил-ларни судга тақдим этиши лозим бўлади. Акс ҳолда суд Иқтисодий процессуал

кодекси 107-моддаси би-ринчи қисмининг 5-бандига асосан даъво ни кўрмасдан қолдиради.

Даъвоси кўрмасдан қолдирилган шахс низо ни судга қадар ҳал этиш чо-раларини кўрагач, такро-ран судга мурожаат қилиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Яна бир жиҳатни алоҳида таъкидлаш ло-зимки, низо уни судгача ҳал этиш тартибига риоя этилмагани асоси билан даъво кўрмасдан қолди-рилганда “Давлат божи” тўғрисидаги Қонуннинг 5-моддаси талабига кўра давлат божи ва бошқа суд харажатлари даъво тақдим этган шахснинг ўзидан ундирилади.

Равшан РАШИДОВ,
Тошкент шаҳар судининг
иқтисодий ишлар бўйича
судлов ҳайъати судьяси

да хотин-қизларга яратилаётган имкониятлар ҳақида тўхталар экан, аёлларнинг муқим иш билан бандлигини таъминлаш, уларга тадбиркорликни йўлга қўйишга кўмаклашиш биринчи галдаги вазифа экани, ушбу масала ечи-мида мана шундай марказлар фаолияти алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади.

Ўқув маркази билан яқиндан танишув, ўқитувчи ва тинглов-чилар билан самимий суҳбат давомида муаммолар ҳам ўртага ташланди.

– Ҳозир шу ерда таҳсил олган-ман, – дейди Моҳларой Бегма-

Андижон шаҳридаги “Ўзбегойим” ўқув маркази 2012 йили 2 та иш ўрни билан ташкил этилган. Қизларнинг чевар-ликка қизиқишини аниқ ҳунарга айлантириш мақсадини кўзлаган марказ йилдан-йилга фаолиятини кенгайтириб борди.

“Аёллар дафтари”га кирганлар бепул ўқитилмоқда

Марказнинг ютуғи шундаки, бу ерда нафақат вилоятнинг барча туманларидан, балки қўшни Қирғизистон Республикасидан ҳам келиб таълим олмақдалар. Ўқув курсларини тамомлаган қизлардан 2 нафари Қирғизистон ва Туркия давлатларида марказ филиалларини ташкил қилгани қувонарли. Умидаҳон Усмонова ўқув маркази директори сифатида бугунгача қанча-қанча аёлларнинг бандлигини таъминлашда, оилаларига даромад олиб киришда яқиндан кўмаклашмоқда. Унинг ташаббуси билан “Аёллар дафтари” рўйхатидаги қизларни бепул ўқитиш йўлга қўйилди.

О’zLiDeP Андижон вилоят кенгаши “Аёллар қаноти” ҳамкор-лигида мазкур ўқув марказида ташкил этилган давра суҳбати самимий руҳда ўтди. Дастлаб сўз олган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Умидаҳон Зокирова бугун мамлакатимиз-

това. – Айни вақтда карвинг ва сунъий гул тайёрлаш йўналишларида қизларга дарс берамман. Ўқув марказ филиалини ташкил қилмоқчиман. Бироқ имтиёзли кредит олишда қийинчиликларга дуч келямман.

Моҳларойнинг муаммоси ҳал қилинишини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Умидаҳон Зокирова назоратга олади.

– Бугунги тадбирдан бир олам таассурот олдим, – дейди марказ директори Умидаҳон Усмонова. – О’zLiDeP Андижон вилоят Кенгаши “Аёллар қаноти” ва депутатимиздан миннатдор бўл-дик. Шу бугун партия аъзолигига қабул қилинганимдан ҳам беҳад қувондим.

Умидаҳон ИСАЕВА,
О’zLiDeP Андижон вилоят
Кенгаши бўлим мудир



ЗАРАРЛИ ВА ЗАҲАРЛИ ҲИЙИНЛАР

Мулоҳаза

XXI ASR

Суръати шитоб замонда жамият жадаллик билан ўзгариб бормоқда. Четдан турли хил ахборотлар, ижобий ва салбий одатлар кириб келмоқда. Шулар қаторида "play station" ларни ҳам эсласак бўлади. Юртимизнинг кўплаб бурчақларида шундай маконларга дуч келишимиз мумкин.

Компьютер Ҳийинларига ружу кўйиш ўқувчиларнинг билим олишига салбий таъсирини ўтказмай қолмайди. Фикру хаёли Ҳийинда бўлган боланинг баҳолари қониқарсизга тушиб кетади. Соатлаб мониторга термулганча ўтириш оқибатида кўзда турли хил касалликлар келиб чиқади.

Ота-оналар ишдалиги пайтида назоратсиз фарзандлар уйдаги компьютерда ёки клубларда нафақат саломатликка, балки маънавиятга ҳам зарарли отишма Ҳийинлар билан машғул бўлишади. Ҳийинда ютиш ёки

ютқизишдан қатъи назар, ҳаётда ютқизаётганликларини, соғлиқ ва энг муҳим бойлик – вақтидан айрилаётганликларини Ҳийинлайдилар. Компьютер Ҳийинларига муқкасидан кетган ёшларда кўрқоқлик, жиззакилик, ўзига ишончсизлик кучайиши кузатилади. Бу эса кейинчалик муқтақил ҳаётда панд бериши турган гап.

Онлайн Ҳийинқароқлик баъзан жинойтга ҳам туртки бўлаётганидан кўз юма олмаймиз. Counter Strike, GTA, Alien Shooter... барчасида қонли тўқнашулар, ваҳшиёна қотилликлар, авария ҳолатларини



кўраимиз. Ҳамма ҳам бошида шунчаки Ҳийин-ку деб қарайди, лекин зарарли ва заҳарли таъсирилар онг остида йиғилиб боради. Баъзи ўсмирлар Ҳийинда кўрган саҳнасини ҳаётда амалга оширгиси келади. "Отасига кўл кўтарган фарзанд", "Ака укани пичоқлади" қабилидаги муқдхш хабарлар

кунда-кунора қулоққа чалинаётгани бежиз эмас.

Ана энди бир мулоҳаза: маҳаллаларда Ҳийингоҳлар, спорт майдончалари етарли эмас. Борлари ҳам "Соатига фалон сўм бўлади", деб белгилаб кўйилган. Аҳолига арзон уй-жойлар қуриллаётганда бу жиҳатларниям эътиборга



олишса бўлмасми? Қолаверса, маҳаллаларда замонавий кутубхоналарни ташкил қилиш ҳам фойдадан холи эмас. Компьютер Ҳийинхоналарида учинчи Ренессансга пойдевор кўйиб бўлмаслиги кундай равшан-ку!

Муҳаммадсодиқ ТўРАЕВ

Тошкентда "Овозсиз фильмлар фестивали"

Жорий йилнинг 10–14 март кунлари Ёшлар ижод саройида "Ўзбекино" Миллий агентлиги Гёте институти билан ҳамкорликда "Овозсиз фильмлар фестивали"ни ўтказилади.

Ушбу фестивалда ўзбек ва немис киносининг овозсиз классик фильмларидан намуналар намойиш этилади. Фильмлар "Сафо" гуруҳининг жонли ижродаги му-

сиқалари жўрлигида ҳавола қилинади.

Фестивалнинг илк куни Гёте институтида "Республика кинофонди" ДУК директори Элжон

Аббасов ва киношунос Нигора Каримова иштирокида "Кинолекторий" ҳужжатли медиа лойиҳасининг тақдимот маросими ҳам уюштирилади.

Дастирдан "Ўлим минораси", "Шаҳзода Аҳмадининг саргузаштлари" ва "Мохов" фильмлари жой олган.

Сеансларга кириш bepul.



Чипталар ва бошқа маълумотлар бўйича қуйидаги рақамга мурожаат қилишимиз мумкин: (97) 455-17-68.

KINO LECTORIYI
КИНОЛЕКТОРИЙ

10.03.2021 | 18:30

loyiha mualliflari rejissor Eljon Abbosov va san'atshunoslik fanlari dotent Nigora Karimova (Mazkur loyiha Siveysariya Elchixonasi ko'rsatig'la amalga oshirilgan)

Ushbu kinofestivalning mazkur bo'limi "Ovozsiz Film" nomida o'tkaziladi. Festivalda ovozsiz klassik filmlar namoyish etiladi. Festivalning birinchi kuni Gote instituti, ikkinchi kuni "Respublika Kino-fondu" DUK direktori Eljon Abbasov va kinoшунос Nigora Karimova iштирокида "Kino-ektoriy" hujjatli media loyihasining taqdimot marosimi ham uyushtiriladi.

OVOZSIZ FILMLAR FESTIVALI
ФЕСТИВАЛЬ НЕМОГО КИНО

10.03.2021 | 18:30

www.ozbekkino.com

OZBEKINO GOETHE INSTITUT

"Муҳаббат баҳори" – севги, вафо ҳақидаги маҳзун баллада

Ўзбек адабиётида ўзига хос мактаб яратиб кетган Зулфия ва Ҳамид Олимжоннинг ҳаёти, ижоди ва ўз навбатида машъум қисмати неча ўн йилларки, халқимиз, мухлислар учун сирли ва ибратли бўлиб келмоқда.

"Ўзбекино" Миллий агентлиги буюртмасига биноан "New sight media" ижодий студияси томонидан шоир, драматург, давлат ва жамоат арбоби Ҳамид Олимжон ва шоира Зулфияхоним тақдири ҳақида ҳикоя қилувчи "Муҳаббат баҳори" деб номланган бадиий фильмни танкили режиссёр Иброҳим Расулов суратга олди.

Фильмда Зулфияхоним образини гавдалантирган ёш

актриса Шаҳноза Ҳожимуродова ўз қаҳрамони ҳақида шундай дейди:

– Кинода севимли шоирами Зулфияхоним образини яратиш менга жуда катта масъулият юклди. Ушбу киноасарда шоиранинг нафақат ижоди, балки унинг инсонийлик кирралари, аёллик бахти, турмуш ўртоғи Ҳамид Олимжонга бўлган вафо ва садоқати акс этирилган. Фильм режиссёри кастинг жараёнларида 200 га яқин номзод орасидан мени танлаб олганидан, очиги, хурсанд бўлдим. "Муҳаббат баҳори" фильми сўемка жараёнларининг бир қисми шоира яшаган хонадонда бўлиб ўтди. У ерда

менга Зулфияхонимнинг Ҳамид Олимжонга ёзган сирли хатларини ўқиш nasib этди. Яна бир жиҳати, бу мураккаб образни яратиш жараёнида шоиранинг тақинчоқлари ва либосларидан фойдаландим. Бу эса қалбимга ўша давр руҳиятини сингирди. Кинокартина устида иш бошлангандан буён вафо тимсоли ила ҳар дам хотирланадиган Зулфияхоним шахсияти ва ҳиссиётлари билан яшадим. Бу мен учун бир умрга энг қадрли образ бўлиб қолади!

Ижодий гуруҳ айна пайтда ушбу фильмнинг техник, ташкилий ишлари билан билди.

"Ўзбекино" Миллий агентлиги ахборот хизмати



Реклама ҳўққи асосида тайёрланди.

<p>Ozliber</p> <p>MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBIKLARONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI</p> <p>ASR</p> <p>ITIMOIY-SIVOSIY GAZETA HAFTALIK NASHR</p> <p>Тахрир хайъати: Актам ХАЙТОВ Дилшод ШОУМАРОВ Шухрат БАҒОЕВ Мавлуда ХУҲАЕВА</p>	<p>Сирождин САЙИД Аҳмад ШОДМОҒОВ Виктор ПАК Насимжон АЛИМОВ</p>	<p>Бош муҳаррир Норқобил ЖАЛИЛОВ</p> <p>Фаррух ЖАБЕОРОВ Бош муҳаррир ўринбосари</p>	<p>Тахрирхат манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73^{-у}й.</p> <p>электрон почта: xxi_asr@mail.uz xxi.asr@mail.ru</p> <p>Телефонлар: қабўлхона – 71 215-63-80 (тел./факс) Обуна ва рекламга бўлими – 71 255-68-50.</p>	<p>"XXI asr" ixtimoiy-siviosiy gazetasini Uzbekiston Matbuot va axborot agentligi 2011 йил 14 июнда 0009-рақамли билан рўйхатдан ўтказилган.</p> <p>"Шарқ" нашрийт-матбав акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.</p> <p>Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй. Газета офсет усулида, А-3 форматда босилди. Ҳажми – 3 босма табақ. Буюртия рақами: Г – 351 Тираж: 3542 Баҳоси келишилган нарҳда. Топширилди – 20:40</p>	<p>Тахрирхат келган кўлемлар тақриб қилинади ва муаллифларга қайтариб берилади.</p> <p>© "XXI asr" дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.</p> <p>Муаллифлар фикри тақдирини нукта назаридан фар қилиши мумкин.</p> <p>Газета тахрирхат компьютер марказида терилди ҳамда дизайнёр</p> <p>Маъруфжон Раҳмонов томонидан саҳифаланди.</p>	<p>ISSN 2163-497X</p> <p>4 772163 49700 1</p> <p>НАШР ҚУРСАТИЛИ: 406 123456</p> <p>Набатчи муҳаррирлар: Нурхон ЭЛИМРАЗЕВА, Бехоз ИСРОИЛОВ.</p>
---	---	---	--	---	--	--